Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА · gazeta@adolat.uz · www.adolat.uz · № 8 (867) · 2012 йил, 24 февраль, жума

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган "ўзбек модели" — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.**

Давоми 2-бетда





## Қаердаки билим бўлса, буюклик бўлур

Пойтахтимиздаги муҳташам Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция натижалари Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри эканлигини яна бир карра исботлади.

Узлуксиз таълим ва ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажрибани ўрганишга бағишланган мазкур анжуманда нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ва дунёнинг қирқдан зиёд давлатларидан келган таълим соҳасининг йирик мутахассислари, таниқли олимлар иштирок этдилар.

Давоми 7-бетда

## «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлқини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислом тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Давоми 3-бетда

## Дунё эътирофидаги таълим тизими

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференция республикамизда амалда бўлган таълим тизими, умуман олганда эса тараққиётнинг "Ўзбек модели" жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди. Албатта, мамлакатимиз бундай мавқега осонлик билан эришмади. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, 1997 йили қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълим соҳасида мисли кўрилмаган ижобий ўзгариш ва янгиликлар учун замин яратди. Натижада давлатимизда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук, маънавияти юксак ва мустақил фикрлайдиган Шахслар, яъни Истиқлол даврининг янги авлоди шаклланди.

Айни кунларда бутун халқимиз сингари, партиямиз аъзолари, хайрихоҳлари, депутатларимиз Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур конференция очилиш маросимидаги мазмундор нутқини зўр эътибор ва қунт билан ўрганишмоқда, ундан келиб чиқадиган хулосалар ва вазифалар билан ўртоқлашишмоқда. Зеро, Таълим тизими — Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг доимий диққат-эътиборида турадиган масаладир. Қуйида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатларининг бу борадаги мухтасар мулоҳазалари билан танишасиз.

Давоми 3-бетда

## Шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бош ғояларидан бири эканлигини парламентда фракциялар орасида илк бор ташкил этилган матбуот конференцияси мисолида ҳам кўриш мумкин



**Матбуот конференцияси**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур матбуот конференциясида республикамизнинг етакчи босма ОАВ вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, "Ўзбекэнерго" ДАК мутасаддилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Давоми 5-бетда

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Давоми. Боши 1-бетда

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

**Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.** Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оилада аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-ҳунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани — бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги коллежлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб кўришингизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг ғоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. **Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.**

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, **ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилганини** алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки, устувор даражада баҳоламасдан ва уларга шу асосда ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга, ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эришолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлайман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Менимча, дунёнинг бошқа давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10-12 фоизини ташкил этадиган бундай кўрсаткични камдан-кам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси бўладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлаган инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнуният бағишлайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, беқиёс ёрдам кўрсатиб келаётганлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

**Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.**

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, **қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган.** Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.

Ўйлайманки, илм-фанда «алгоритм», «ўнлик саноқ системаси» ва «ноль» тушунчаларининг кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани кўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Энг асосийси — унинг «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар харитасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин** эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни — шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман — 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — **дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш** йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

**Иккинчидан**, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айни пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидламоқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса.**

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлактимизга тез-тез келиб, эл-юртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуқтаи назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги орқали, дунёнинг қайси ўлкасида яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларнинг ҳамкорлиги вужудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган "ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққий топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар:

● Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

● Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

● Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

● Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

● Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

● Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг қуйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиш ва чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:

● Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

● 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг истиқболли ва кўлами кенгайиб бораётган соҳаларида касб-ҳунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

● Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

● Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона ZiyoNet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойдаланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқитиш ва ўқув машғулотлари учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

**Конференция иштирокчилари қуйидагиларни қайд этдилар:**

● Ижтимоий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунмаслик, унга етарлича баҳо бермаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаки ҳамда бирёқлама тушуниш билан баробардир, бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳоламасликка олиб келади.

● Таълим тизимини ислоҳ қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия кўрган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

● Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

**Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни тавсия этадилар:**

кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлоднинг энг муҳим мақсадли вазифаларидан бирига айланиши лозим;

Ўзбекистон мисолида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан "Билим — бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилаётган харажатларига мамлакат миллий бойлиги ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестициялар сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутиш;

халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш;

таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорида эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлайди.

Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашиш;

ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда кўмаклашиш.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мазкур анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида эксперт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

# Дунё эътирофидаги таълим тизими

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамиша таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Партиямизнинг сайловолди дастурида ҳам бу нуқтаи назаримиз ўз ифодасини топган. Дастурда, жумладан, таълим йўналиши соҳасидаги устувор вазифаларимиз сифатида қуйидагилар белгиланган: *"Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш; таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш. Касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; фундаментал илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш; илм-фан ва таълимга инвестицияларни, шунингдек, янги технологияларни жалб қилиш..."*

Тошкентда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференция айнан партиямиз ғояларига ҳамоҳанглиги билан бизни мамнун этди.

Чиндан ҳам, халқнинг, энг муҳими эса ўсиб келаётган навқирон авлоднинг камолоти, интеллектуал даражаси, маънавияти, тафаккури ва иқтидори таълим тизимининг сифатига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Партиямиз аъзоларининг 26,7 фоизини айнан таълим соҳаси вакиллари ташкил этиши, сафларимизда 587 фан номзоди, 192 фан доктори ва 12 академик борлиги ҳам бежиз эмас.

Қадим файласуфлардан бири "Халқ учун нондан кейин энг муҳими мактабдир", деган экан. Бу гапда чуқур ҳикмат бор. Ахир ҳар бир халқнинг эртанги кунини бугун таълим муассасаларида сабоқ олаётган болалар, ўсмирлар, ёшлар белгилайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, таълим-тарбия қанчалик сифатли ва самарали бўлса — эл-юртнинг фаровон келажаги, барқарор ривожланиши шунчалик кафолатланган бўлади.

Ватанимизда бу борада бутун жаҳон ҳавас қилса арзийдиган, ўзимизга хос ва мос улуғвор ишлар амалга оширилди. Мен, албатта, том маънода тарихий ҳодиса деб аташга арзигулик, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ўзаги, тамал тоши вазифасини ўтаётган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни тилга олмасдан ўтолмайман. Муҳтарам Президентимиз конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидаги бу муҳим ҳужжатнинг аҳамиятини яна бир бор қайд этиб ўтди: "Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделлардан қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир". Демак, айтиш мумкинки, мазкур Дастур Ўзбекистонимизнинг бутун жаҳон таълим тизими тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси бўлди. Назаримда, бу дастурнинг моҳияти ва аҳамияти йирик-йирик илмий изланишларни, умуминсоний аҳамиятга молик кашфиётларни юзага чиқарадиган тадқиқотларни талаб қилади.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси.

* * *

"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куроданинг нутқини диққат билан тингладим. Жаноб Курода ўз чиқишида юртимизнинг нафақат таълим тизимини, балки жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини, иқтисодий салоҳиятини, иқтисодиёт ривожини тилга олиб ўтаркан, "Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир", дея алоҳида эътироф этди.

Ўйлайманки, Осиё тараққиёт банки президенти қайд этиб ўтган яна бир хушхабар барча "Адолат"чиларни бениҳоя мамнун этди: "Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий тадқиқот институтининг таъсис этилиши таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир. Кеча ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида мазкур институтни ҳамкорликда ташкил этиш тўғрисида ҳужжат имзоланди".

Серқуёш, йилнинг деярли 300 кунида Қуёш чарақлаб турадиган юртимизга бундай илм даргоҳи жуда-жуда керак. Айниқса, бугунги кунга келиб, қайта тикланадиган энергия манбалари(ҚТЭМ)га талаб жуда кучайган шароитда айнан Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий тадқиқот институтининг таъсис этилишини том маънода "Адолат" СДПнинг ютуғи деб айтиш мумкин. Чунки мамлакатимиз сиёсий партиялари орасида айнан бизнинг партиямиз сўнгги йилларда ҚТЭМ муаммосига жиддий эътибор қаратмоқда ва бу борада анча-мунча салмоқли ишларни амалга ошириб ҳам улгурди.

Албатта, таълим тизимининг ривожланганлик даражаси ҳар қандай мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи аҳамиятга молик омилидир. Мустақил Ўзбекистонимиз жуда қисқа муддат ичида бу соҳада энг юксак стандартларга амал қилишга, уларни бойита олишга эришди. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб юртимиз тажрибасини бутун жаҳон ўрганмоқда.

ОТБ президенти Х.Куроданинг самимий сўзлари билан айтганимизда, "Президент Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бормоқда".

Таълимга эътибор — келажакка эътибор. Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда! Бундай кўрсаткичга эга бошқа давлатни дунёнинг бирон нуқтасида учратиш мушкул бўлса керак.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси.

* * *

Биз қандай халқмиз? Биз қандай Ватанда яшаймиз? Қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Ҳа, биз шундай илмсевар, маърифатсевар халқмиз. Шундай буюк ва шонли тарихга эга халқмиз. Ўтмиши буюк халқнинг эса келажаги ҳам буюк бўлади.

Жаҳон илм-фани, адабиёти ва санъати, маданияти осмонида ёрқин юлдузлар бўлиб порлаб турган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари не-не даҳолар бизнинг буюк аждодларимиз. Улар шу заминимиздан қувват олишган, юртимизда мавжуд таълим муассаларида сабоқ олиб, ақлларини чархлашган, оламшумул кашфиётлар қилишган.

Албатта, Мовароуннаҳрда соҳибқирон Амир Темурдан сўнг қудратли давлат парчаланиши, ички низолар кучайиши, мустамлакачилик истибдоди туфайли икки дарё оралиғи сарҳади муайян парокандаликка, инқирозга учради. Аммо оққан дарё оқмай қолмайди. Истиқлол аталмиш буюк неъмат кўмилган булоқларнинг қайтадан очилишига, йўлига улкан тўсиқлар ўрнатилган дарёларнинг қайтадан жилваланиб оқишига олиб келди. Ниҳоят биз буюк аждодларимизга муносиб авлод етишиб чиқаётганини кўриб-билиб, сезиб, ҳис этиб турибмиз. Бу энг аввало, юртимизда амалда бўлган таълим тизимининг шарофати, албатта.

Менинг ишончим комил, бу тизим бизнинг бағоят истеъдодли, салоҳияти юксак халқимизнинг янги-янги даҳоларини кашф этади. Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференция элимиз дилидаги, қалбининг тўридаги шундай орзу-ниятлар шаксиз ушалишига яна бир бор қатъий ишонч уйғотгани билан бизга бениҳоя қадрли деб ўйлайман.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси.

# Амалий ишлар натижаси

**БПТ — мустаҳкам таянч**

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай сиёсий партия фаолиятининг асоси, пойдевори ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, партиялар сиёсий фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан улар ишининг самарадорлигига боғлиқ. Қуйи ташкилотлар аҳолининг барча табақалари вакиллари билан бевосита ишлаш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунингдек, улар янги аъзоларни қабул қилади, партия номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, давлат ҳокимиятининг бошқа органларига депутатликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлайди.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси таркибини асосан, юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, ишлаб чиқариш соҳаси меҳнаткашлари ташкил этади. Электоратимизнинг ажралиб турадиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, юксак фуқаролик ва сиёсий онглилик даражасидир. Улар биринчи навбатда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истайдиган кишилардир.

Ушбу тамойиллар асосида фаолият юритаётган партиямизнинг Сирдарё вилояти Кенгаши ҳозирги кунда ўз таркибига 109 та БПТни бирлаштирган. Ховос туман марказий шифохонаси қошидаги таянч бўғинимиз эса энг йирик ва фаол қуйи ташкилотларимиздан биридир. Мазкур ташкилот электоратимизнинг катта қисмини ташкил этувчи тиббиёт ходимлари ҳамда партиямиз хайрихоҳларидан иборат 240 нафар аъзони ўз атрофида бирлаштирган. Ташкилот фаоллари хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ва оиладаги муносиб роли ва ўрнини юксалтиришга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб келмоқдалар. Партиямизда хотин-қизларга, уларнинг уй-рўзғор юмушларини ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштироки билан биргаликда олиб боришлари учун шароит яратиб бериш борасида тўпланган ижобий тажриба фаолларимиз учун асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, партиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш, бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва фаолиятини жонлантириш, партия сафларини ташаббускор, сиёсий етук ёшлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан амалий чора-тадбирларга қўл урилди, БПТ фаоллари учун сиёсий ўқишлар, семинар-тренинглар ташкил этилди.

Натижада ўз ишига масъулият билан ёндашган бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг тажрибаси, изчил фаолияти билан сафларимиз обрў-эътиборли кишилар ва мамлакатимиз тақдирига бефарқ бўлмаган, партиямиз ғояларига хайрихоҳ ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Албатта, фаолиятимиз камчиликлардан ҳоли эмас. Олдимизда ёшлар олдида турган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўллари, усулларини қидириб топиш, бугун уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг шакл ва усулларини излаш ҳамда такомиллаштириш, турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш каби улкан вазифалар турибдики, уларни ечишда БПТлар фаоллиги, жонбозлиги алоҳида ўрин тутади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

# Ҳаётий вазифалар

## уларнинг бажарилишига ҳар биримиз масъулмиз

**Депутатлик гуруҳи**

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ижобий натижалари фуқароларимиз онгида янгича фикрлаш ва ишлаш туйғусини шакллантирмоқда. Юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кундан-кунга чирой очиб, бир-биридан гўзал мафтункор муҳташам бинолар қад ростламоқда. Равон йўллар қурилиб, аҳоли яшаш жойлари обод қилинаяпти. Халқимизнинг бу яратувчанлик ишларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Муборак тумани кенгаши фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Партиямизнинг туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари фаолларимиз ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга жиддий эътибор қаратиб келаяпти. Шу мақсадда жойларда турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Маълумки, партиямиз ўз дастурий ғоя ва мақсадларида ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни алоҳида қайд этган. Бундай эзгу ниятларни амалга оширишда туман партия кенгаши қошида ташкил этилган жамоатчилик назорати гуруҳининг ўрни катта бўлаётир.

Партиямиз фаоллари ва депутатлардан иборат жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари жойларда фуқаролардан тушаётган аризаларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни мутасадди ташкилотлар кўмагида ҳал этишаяпти. Шу сабабли ҳам гуруҳга мурожаатлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, яқинда туман марказидаги "Қурувчилар" маҳалласи раиси Пирназар Неъматов газ қувурларини алмаштиришда амалий ёрдам сўраб депутатлик гуруҳимизга мурожаат қилди. Дастлаб депутатлар ва жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари иштирокида мавжуд аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилди, сўнг мутасадди ташкилотларга ёзма мурожаат қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида "Қурувчилар" маҳалласидаги газ қувурлари қайта таъмирланди.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати гуруҳига туман марказидаги болалар боғчасининг том қисмини таъмирлашда амалий кўмак берилишини сўраб илтимос билан чиқишди. Биз бу муаммони туман молия бўлими мутасаддилари ҳамкорлигида ҳал этдик. Ҳозир таъмирлаш ишлари поёнига етказилмоқда.

Мухтасар айтганда, туман партия кенгаши қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳига фуқаролардан келиб тушаётган ҳар бир оғзаки ва ёзма мурожаатлар эътиборимиздан четда қолмаяпти. Биргина ўтган 2011 йилда фуқароларнинг 30 дан ортиқ мурожаатлари фаолларимиз саъй-ҳаракати эвазига ўз муддатида ҳал қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Депутатлик гуруҳининг маҳаллалар билан кенг ҳамкорлиги аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онги, маънавиятини юксалтириш, фуқароларни мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнига фаол жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шу боис, туман партия кенгашимиз депутатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан эса маҳаллалар ҳам манфаатдор бўлмоқда, зеро, маҳалла фаоллари ўз ҳудудларидаги баъзи муаммо ва камчиликларни ҳал этишда партиямиз кўмагига таянмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнлари жадал амалга оширилаётган бир пайтда биз депутатлар зиммасига янада катта масъулият юкланмоқда. Жойларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электоратимиз манфаатини мустаҳкам ҳимоя этиш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бизнинг фаоллигимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Олдимизга қўйилаётган вазифалар бажарилишига ҳар биримиз масъулмиз.

**Равшан ҲАМРОЕВ,**
Халқ депутатлари Муборак
тумани Кенгаши депутати.

# Ютуқ бор жойда камчилик ҳам бор

## аммо уни ўз вақтида бартараф этмаслик ижобий натижаларга соя солади

**Ўз-ўзини танқид**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, Аёллар ҳамда Ёшлар қаноти етакчилари иштирок этишди.

Мажлисда вилоят партия Кенгашининг Аёллар қаноти фаолияти танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилиб, 2012 йилги иш режаси асосида атрофлича муҳокама қилинди.

— Ўтган 2011 йил давомида вилоят ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш бўйича 60га яқин амалий ва назарий тадбир ташкил этилди, — деди вилоят партия Кенгашининг Аёллар қаноти раиси Дилноза Алимова. — Тадбирларнинг асосий йўналиши хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтириш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда фуқаролар, жумладан, аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига қаратилди.

Ҳисобот даврида партия Аёллар қанотини фаоллаштириш, ташаббускорлигини ошириш, партия тузилмаларида хотин-қизлар иштирокини кучайтиришга оид қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, вилоятнинг 13 та ҳудудида "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият негизи" мавзусида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда фаол иштирок этган партия электорати ҳамда мутасадди ташкилот ва идоралар вакилларидан тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида жойлардаги депутатлик бирлашмалари томонидан ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Таъкидландики, айрим туман кенгашларидаги Аёллар қаноти фаолиятида ҳали-ҳануз камчиликлар кузатилаяпти. Бу, айниқса, Бахмал, Дўстлик, Янгиобод, Арнасой тумани партия кенгашларидаги Аёллар қаноти томонидан ўтказилаётган тадбирлар мавзусининг аниқ мақсадга йўналтирилмаганлиги, амалий фаолиятда жонбозлик етишмаётганлигида кўзга ташланмоқда. Бу эса энг аввало, партиянинг жойлардаги Аёллар қанотлари раислари баробарида, ушбу ҳудудлардаги кенгашлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини оширишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда хотин-қизлар билан ишлаш бўлимларида партиямиз дастурий ғояларини аҳоли онгига тўлақонли етказа оладиган тажрибали кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Тўғри, сафимизда сиёсий етук, фаол хотин-қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Бироқ...

Ижроия қўмита йиғилишида сўзга чиққан вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Тўйчиев халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларидаги айрим депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда ўзларининг депутатлик назорати ваколатидан унумли фойдаланишда сусткашликка йўл қўяётганликлари, аъзолик бадалларини ундиришда ҳам оқсоқлик кузатилаётганини кескин танқид остига олди. Шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш учун маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулияти ва ташаббускорлигини янада ошириш, аъзоларнинг ташкилий-сиёсий тадбирлардаги фаоллигини таъминлаш, электорат орасида кўпроқ иш олиб бориш, сафларни фаол ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда вилоят партия Кенгашининг иштироки ҳамда фаоллигини кучайтириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Кўрилган масалалар юзасидан Ижроия қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.



# Тўғри танланган ва истиқболли йўл

**Семинар**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда Қонунчилик палатасининг роли" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий божхона институти профессор-ўқитувчи ва тингловчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни қуйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қ.Жўраев олиб борди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида ҳамда Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифалар Қонунчилик палатаси фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий платформасига айланди. 2011 йилда қонун ижодкорлиги фаолиятида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган 38 та қонундан 37 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди. Хусусан, Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш доирасида киритилган 14 та қонун лойиҳасининг 7 тасини Қонунчилик палатаси қабул қилди. Қолган қонун лойиҳалари устида айни вақтда фаол иш олиб борилмоқда.

Тадбирда маъруза қилганлар Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш Қонунчилик палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу борада 4 та қонун қабул қилинган бўлиб, уларда ҳокимиятнинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тармоқлари мустақиллигини янада кучайтириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг самарали механизмларини яратиш, ҳокимият тармоқлари жамият ва давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўзаро келишган ҳолда фаолият кўрсатиши ва биргаликда ҳаракат қилишини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Шу жумладан, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан жами 6 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилди. Қўмита аъзолари қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга назорат-таҳлил фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Қонунчилик тизимида амалга оширилаётган бу каби ташаббус жаҳон мамлакатлари ҳуқуқий базаси ва интеграциялашувидан муносиб ўрин эгаллашда аҳамиятлидир. Давлатимизнинг қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари жаҳоннинг етакчи мамлакатлари, ташкилотлари ва кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу эса, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишни кучайтиришда аҳамиятлидир. Ўз ўрнида юртимизнинг тўғри танланган ва истиқболли йўли мамлакатнинг тинч, тотув, барқарор ривожланишига нурли йўлдир!

Семинарда фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга кенг ўрин берилди.

Семинар сўнггида айрим иштирокчиларнинг тадбир ҳақидаги ўз фикрлари билан қизиқдик:

**Аминжон ХАЛИЛОВ, тингловчи:**

— Семинардан биз ўзимизни қизиқтираётган бир қанча саволларга атрофлича жавоб олишга эришдик. Бугунги кунда қонунчилигимизни ривожланиб бораётганлиги ва депутатларимизнинг қонунчилик фаолиятидаги ёндашувлари, бу борадаги салоҳиятлари юксак даражага кўтарилаётганининг бевосита гувоҳи бўлиш билан бирга, мамлакат бўйлаб қонунларни ижро этиш ва таҳлилий ҳисоботларни эшитиш имкониятига эга бўлдик. Айтиш мумкинки, бу каби жонли мулоқотлар биз ёшларнинг келажакдаги фаолиятимизда ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

**Мария ЗАЙЦЕВА, талаба:**

— Бугунги семинар бизга биринчи галда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида аниқ тасаввурларни берди. Қонун ижодкорлиги машаққатли ва ўз навбатида шарафли эканлигини ҳис этдим. Ва яна бир бор фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимояланганлигига амин бўлдим. Шу каби тадбирлар парламент қуйи палатасининг бошқа қўмиталари томонидан ҳам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Умарбек ЮСУПОВ, магистрант:**

— Мамлакатмизнинг энг олий органларидан бири — Қонунчилик палатасида мана шундай тадбирларда бевосита қатнашиш бизга тажрибамизни орттириш имконини беради. Сабаби бизнинг мақсадимиз мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган етук кадрлар бўлиб етишиш. Ва бу йўлда бундай учрашувларнинг фойдаси катта. Семинарда биз билмаган саволларимизга депутатлардан тўлиқ жавоб олишга эришдик. Умид қиламизки, бундай учрашувлар яна давом этади.

**Феруз ЖЎРАЕВ.**

# Ҳуқуқий тарғиботга жиддий эътибор

**Ибрат**

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туман прокуратураси ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилиш, айниқса, маҳаллалар ва таълим муассасаларида диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш мавзуларида қатор ибратли ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Биргина ўтган йили бу ерда ушбу йўналишларда 673 та давра суҳбатлари, савол-жавоблар, ўқув-семинарлари, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ўтказилиб, уларда Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, мамлакатимиз қонунчилигидаги янгиликлар, Бош прокуратура буйруқлари ва кўрсатмалари ижроси йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тарғиботига жиддий аҳамият берилди.

Хусусан, туманнинг "Илоқ" маҳалласи фуқаролар йиғини, 31-, 13-умумтаълим мактаблари, Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи сингари қатор маҳаллалар ва таълим муассасаларида "Огоҳлик — давр талаби", "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият", "Ёшлар маънавияти, уларнинг ҳуқуқий онги ва билимини оширишда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни", "Терроризм — иллат" мавзуларида ўтган семинарлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шуниси диққатга сазоворки, ўтаётган семинарлар ва давра суҳбатларида нафақат прокуратура ходимлари, балки бевосита фуқароларнинг ўзлари ҳам асосий маърузачилар бўлишаяпти. Улар орасида "Илоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Асқаров, 13-умумтаълим мактаби директори А.Эрназаров ва бошқа кўплаб тарғиботчилар борлиги ибратга моликдир.

Таъкидлаш жоиз, ўтказилаётган тадбирларда наинки прокуратура ходимлари балки "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари, туман ички ишлар профилактикаси нозирлари ва турли жамоат бирлашмалари намоёндалари ҳам иштирок этиб, Бандлик дастурига кўра жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, маиший ва сервис хизмати шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Дилшод ФАЙЗИЕВ,**
Оҳангарон туман прокурори
ўринбосари,
адлия кичик маслаҳатчиси.

# Шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик

## Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг бош ғояларидан бири эканлигини парламентда фракциялар орасида илк бор ташкил этилган матбуот конференцияси мисолида ҳам кўриш мумкин

Давоми. Боши 1-бетда

“Ўзбекистон “Адолат” СДП мамлакат модернизацияси янги босқичида” мавзуида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2014 йилгача бўлган даврга мўлжалланган қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги ягона социал-демократик партиянинг сайловолди дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил тўхталилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси фаолиятининг дастурий мақсадларида кенг намоён бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.



**Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўзининг бошқа сиёсий рақобатчиларидан фарқли ўлароқ ўз фаолият дастурида миллий инновация тизимини шакллантиришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Партия жамият ҳаётининг қайси бир соҳаси бўлмасин, у иқтисодми, саноат, қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим ёки соғлиқни сақлаш, наинки, барча тармоқларнинг ривожини инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари И.Саифназаров “Ўзбекистон “Адолат” СДП мамлакат модернизацияси янги босқичида» мавзуида маъруза қилди. Нотиқ давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепциянинг ҳаётимизда тутган ўрни, юртимизнинг истиқболдаги тараққиётидаги аҳамияти, унда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг моҳияти ҳамда парламент қуйи палатаси томонидан ушбу концептуал ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар доирасида партия фракциясининг иштироки ҳақида журналистларга маълумот берди.

— 2011 йил мобайнида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, банклар ва компанияларнинг мақсадли ишларини мувофиқлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг 29 маротаба йиғилиши ўтказилди, — деди И.Саифназаров. — Уларда ушбу масалалар юзасидан муҳим таклифлар киритилиб, фракция нуқтаи назари билдириб борилди. Партия сайловолди дастурига мувофиқ, республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш устувор вазифа деб белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан фракция аъзолари “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 13 та қонун лойиҳасини киритдилар. Улардан 4 таси қабул қилинди, ҳозирда 9 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Фракция аъзолари 23 та қонун лойиҳаларига масъул бўлди ва уларнинг 15 таси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқилди.

Таъкидландики, партия фаолияти халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда янада фаол иштирок этиш, фуқароларни ушбу ғоялар атрофида бирлаштиришда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашга қаратилган бўлиб, адолатлилик ғояси Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишидир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек, фракция иш фаолиятида муҳим масалалардан бири бу — мамлакатимизда қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишдир. Шу мақсадда партия дастури доирасида “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у айни вақтда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда такомилига етказилмоқда.

Фракция раҳбари партия мамлакатимизда қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишларни янада жонлантириш тарафдори эканлигига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон энергия ресурсларига бой мамлакат эканлиги, дунёда энергияга бўлган талабнинг тобора кучайиб бориши, ўз навбатида энергия захираларининг 30-40 йиллар орасида поёнига етиши борасидаги фаразлар ўрта ва узоқ муддатли стратегияда нефть ва газ ўрнини боса оладиган муқобил энергияларни ривожлантириш заруриятини юзага келтириши, Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистонда ҳам энергия истеъмолининг ошиб бориши, атроф-муҳит муҳофазасига оид муаммолар нисбатан арзон, экологик тоза, муқобил, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш заруриятини янада ошириши борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Адолат” СДП сайловолди дастурида “Энергия ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, уни қатъий тежаш тартибини тузиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойданиш механизмларини ишлаб чиқиш ва энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш” партиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу йўналишда партия ташаббуси билан сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

“Ўзбекэнерго” ДАК бошқарма бошлиғи Р.Ортиқов Ўзбекистон “Адолат” СДП билан бу борадаги ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди:

— Партия ҳамда “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси бу борадаги саъй-ҳаракатларни самарали амалга оширишда мустаҳкам алоқаларни ўрнатди. Ҳамкорликда йирик-йирик корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, маҳалла ва гузарларда соҳага оид турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда. Бевосита партия кўмагида муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилди. Ҳамкорлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида кўплаб қуёш станциялари, Тошкент, Жиззах, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида эса биогаз қурилмалари ўрнатилди, ТошДТУда муқобил энергия манбалари соҳасида фаолият юритувчи, замонавий стандартларга мос, ҳозирги талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги лаборатория фойдаланишга топширилди. “Ўзбекэнерго” ДАК ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Энергетика ва автоматика институтининг “Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг салоҳиятли концептуал йўналишлари, улардан қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш асосида фойдаланиш” деб аталувчи қўшма лойиҳаси Ўзбекистон “Адолат” СДП фракацияси ташаббуси билан якунига етказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори олимларимиз яратган инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш имкониятини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўзининг бошқа сиёсий рақобатчиларидан фарқли ўлароқ ўз сайловолди дастурида миллий инновация тизимини шакллантиришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Партия жамият ҳаётининг қайси бир соҳаси бўлмасин, у иқтисодми, саноат, қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим ёки соғлиқни сақлаш, наинки, барча тармоқларнинг ривожини инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

— Илмий салоҳиятни юксалтириш ва ундан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари, Ижро аппарати раҳбари О.Парпиев. — Чунки замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши халқаро тажрибада ўзининг юқори самарадорлигини исботлаган. 2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида “Инновация фаолиятини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришнинг муҳим омиллари” мавзуидаги илмий-амалий анжуман 2011 йил 13 апрелда Тошкент шаҳрида IV инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси доирасида ўтказилди. Анжуманда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ сиёсати, кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлаш ва молиялаштириш масалалари мухокама қилинди ҳамда республикада инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идораларга жўнатилди. Мазкур ярмарка доирасида кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун 50 та инновацион технологиялар ва ишланмалар намойиш этилди. Уларнинг 19 таси саноат соҳасида, 31 таси қишлоқ хўжалиги йўналишидадир. Яқин келажакда инновация туридаги иқтисодиётни шакллантириш масаласига ўта муҳим ва долзарб вазифа сифатида қараётган Ўзбекистон “Адолат” СДП эса бу борадаги ишларни самарали амалга оширишдаги энг яқин ижтимоий ҳамкоримиз бўлиб келмоқда. Ҳатто бу борада партия билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳам имзолаганмиз.

Матбуот конференциясининг энг асосий — иккинчи қисмида савол-жавоб, музокара ва мулоҳазаларга кенг ўрин берилди.

**Гулнора АБДУНАЗАРОВА,**
**“Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси мухбири:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий саҳнасида фаолият кўрсатаётган партиялар қатори Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ҳам жамиятда ўз ўрни ва нуфузи бор. Мазкур партия шунчаки хўжакўрсин қабилида тузилган партия эмаслигини амалга ошириб келаётган ишлари мисолида кўриб турибмиз. Айниқса, парламентдаги партия фракцияси фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Фракция депутатлари нафақат қонун ижодкорлигида, балки қонунларни аҳолига тарғиб қилишда ҳам алоҳида ажралиб туради. Бунга бир мисол, журналистлар учун энг муҳим нарсалардан бири бу депутатлардан интервью олишдир. Интервьюлар олиш жараёнида “Адолат”чилар алоҳида ажралиб туришини таъкидламоқчиман. Бу эса партия фракцияси таркиби бошқа рақобатчи партиялар фракциясидан кичик бўлишига қарамасдан салоҳиятли депутатларга бойлигидан далолатдир. Шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бош ғояларидан бири эканлигини парламентда фракциялар орасида илк бор ташкил этилган матбуот конференцияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Буни ҳам партия ютуқларидан бири дейиш мумкин.



**Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий саҳнасида фаолият кўрсатаётган партиялар қатори Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ҳам жамиятда ўз ўрни ва нуфузи бор. Мазкур партия шунчаки хўжакўрсин қабилида тузилган партия эмаслигини амалга ошириб келаётган ишлари мисолида кўриб турибмиз.**

Асрлар давомида халқимиз орзу қилиб келган адолатли жамият барпо этиш ғояларига асосланган партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг ташаббускорлигида қандай қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда ёки ишлаб чиқилди ва ушбу қонунларнинг ишлаб чиқилишида қандай омиллар туртки бўлмоқда?

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**фракция аъзоси:**

— Маълумки, ҳар бир қонун лойиҳасида самарали жиҳатлар билан бирга, инсон манфаатлари кўзда тутилади. Шундай экан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда депутатлар аҳоли билан бўлган учрашувларда уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб боришади ва ўринли таклифлардан амалиётда фойдаланишади, албатта. Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувларида аҳолининг фикр-мулоҳазалари чуқур таҳлил этилиб, уларнинг хоҳиш-иродалари, бугунги шиддаткор замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ва энг асосийси сайловолди дастур ижросини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳалари яратилиб келинмоқда. Мисол тариқасида “Одам танаси аъзолари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини кўчириб ўтказиш (трансплантация) тўғрисида”ги, “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги” қонун лойиҳаларини келтиришимиз мумкин. Ёки 2012-2014 йилларда қабул қилиниши таклиф этилаётган “Тиббий фаолият тўғрисида”, “Касаначилик тўғрисида”, “Табиий даволаниш ресурслари, даволаниш-соғломлаштириш масканлари ва курортлари тўғрисида”ги каби қонун лойиҳаларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” газетаси мухбири:**

— Кўриниб турибдики, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг номи унинг стратегик мақсадига тўлиқ мос келади. Партия фаолияти юртимиз равнақи, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, ислоҳотларни жадаллаштиришга, ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Социал-демократия бугунги кунда бутун дунёда салмоқли таъсир кучига эга бўлган тараққийпарвар мафкуравий оқимлардан бири ҳисобланади. Умуман ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли билан жамият ҳаёти фаровонлигини юксалтиришни кўзда тутувчи социал-демократик ҳаракати ҳақида тушунча берсангиз?

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**фракция аъзоси:**

— XIX аср ўрталаридан бошлаб «социал-демократия» атамаси кенг қўлланила бошланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “социал-демократия” сўзи “социализм” атамасининг синоними сифатида талқин этилади ва кўпинча ушбу сўзлар бир-бирининг ўрнида қўлланилади. Бироқ собиқ Шўролар тузуми шароитида “социализм” сўзининг манипуляция қилиниши натижасида ушбу сўз салбий маъно касб эта бошлади. Оқибатда собиқ социалистик мамлакатларда истиқомат қилувчи кишилар онгида ҳали-ҳануз социализмдан нафратланиш ҳисси сақланиб қолди. Социал-демократик партиялар ўз атрофида маълум бир синф вакилларини эмас, балки турли табақаларни бирлаштиради. Социал-демократик партияларнинг нуфузи ривожланган мамлакатларда жуда юқори бўлиб, уларнинг таркибида зиёлилар, муҳандис-техник ходимлар, эркин касб мутахассислари кўпчиликни ташкил этади. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, социал-демократик мафкура плюралистик дунёқарашни тақозо этади. Ўз навбатида, социал-демократия инқилобий курашлар ва инқилобий ларзаларни инкор қилади. Нафақат инкор қилади, балки уларга қарши курашади ҳам. Социал-демократлар демократик ислоҳотлар ва демократик сайловлар ўтказиш учун курашадилар ва барча сайловларда фаол қатнашадилар. Жамиятнинг энг долзарб масалалари бўйича социал-демократлар ўзларининг чуқур илмий мулоҳазаларига эга бўлиб, бундай қарашлар қуйидаги атама ва шиорларда ўз аксини топган: “ижтимоий ҳамкорлик”, “барча аҳоли фаровонлигини таъминловчи жамият”, “мутлақ кўпчилик манфаатларини ифода этувчи давлат”, “турли-туман мулк шаклларининг жамиятда мавжудлиги ва уларнинг эътироф этилиши”, “жамиятда мулкчиликнинг турли шаклларини кўпайтириш” ва ҳоказо. Замонавий социал-демократиянинг бош шиори — Эркинлик, Тенглик, Бирдамлик бўлиб, у сиёсий ва мафкуравий плюрализмни қўллаб-қувватлайди. Социал-демократия ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори ва бойлар ҳамда камбағаллар ўртасидаги фарқни ижтимоий ҳимоя орқали юмшатишга ўз фаолиятини қаратади. Шунингдек, социал-демократлар иқтисодда салоҳиятли давлат секторини ташкил этиш йўли орқали хусусий сектор билан тенглик асосида унинг муваффақиятли рақобат қилишини устувор йўналиш, деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлайдилар, яъни янги иш ўринларини яратиш, ишсизликни камайтириш, бепул таълим тизимини яратиш, энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш, болаларни тарбиялаш учун аёлларга давлат томонидан ёрдам уюштириш, солиқларни тартибга солиб бориш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор берадилар.

**Сарвар ҚОДИРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” газетаси мухбири:**

— Маълумки, партия замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни тарғиб қилиб келмоқда. Бу борада муайян ижобий ютуқларга ҳам эришилмоқда. Партиявий ишлар доирасида ўз сайловчилари ва тарафдорлари ҳамда кенг жамоатчиликка маълумотлар узатишда қандай замонавий тарғибот усулларидан фойдаланилмоқда?

**Камола ҲАМИДОВА,**
**фракция аъзоси:**

— Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Партия бу борадаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди ва ўзининг сайловолди дастурини амалга оширишда бор куч-имкониятини сафарбар этади.

Ҳар бир янгилик амалиётда қўлланилса, унинг афзалликлари намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан партия ўз ташаббусларини қоғозда ёки оғизда эмас, балки амалиётга татбиқ этиш орқали кўрсатиб келмоқда. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университетида партия фракцияси томонидан ташкил этилган электрон таълим ва масофали ўқитиш масалаларига бағишланган электрон конференцияни олайлик. Мазкур электрон конференция бир вақтнинг ўзида 70 дан ортиқ олий таълим муассасаларида, яъни ўз вилоятларида масофавий уланиш орқали реал вақтда ўтказилганининг ўзи бу тизимнинг афзаллигини кўрсатди.

Бугунги кунда депутат ва сайловчи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, аҳолининг турли масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш, сайловчиларни ўйлантираётган саволларга жавоб бериш фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси саналади. Шу мақсадда “Адолат” СДПнинг Интернет тармоғидаги www.adolat.uz сайтида “Онлайн депутат” лойиҳаси жорий этилди. Унда партия фракцияси аъзолари навбатма-навбат сайт ўқувчиларининг саволларига жавоб беришмоқда. Аслида бу ҳам замонавий ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг бир кўринишидир.

Матбуот конференция давомида фракция аъзолари журналистларни қизиқтирган барча саволларига атрофлича жавоб қайтаришди. Конференция якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан ўзаро келишиб олинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
“Adolat” мухбири.

# Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда

## ахборот-коммуникация технологияларининг роли

**Тараққиёт**

Мамлакатимизда дунёдаги кўплаб давлатлардаги каби ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)-ни ривожлантириш ва жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, давлатимиз раҳбари ва республика ҳукуматининг диққат эътиборида турибди.

Бугун Ўзбекистонда ахборот технологиялари давлат бошқарувига фаол жорий этилмоқда. Корхона ва ташкилотлар фаолиятини ахборотлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон ҳужжат айланиши (ЭҲА) ва электрон рақамли имзо (ЭРИ) тизимлари кенг татбиқ этилмоқда. Ушбу мақсадда республикада махсус ваколатли орган ташкил этилган, у ЭРИ калитларини рўйхатга олиш бўйича 9 та марказни расмийлаштирган, бугунги кунга қадар берилган ЭРИ калитлари сертификатлари 200 мингдан зиёд бирликни ташкил этади.

Ҳукуматимизнинг 2011 йил 4 майдаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида юздан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти идораларини ҳимояланган «E-Xat» электрон почтаси ва «E-Hujjat» ягона электрон ҳужжат алмашуви тизимига улаш бўйича ишлар амалга оширилди.



Айни пайтда республика ҳукумати ва раҳбарияти томонидан АКТни ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида деярли барча (98,8 фоиз) давлат идоралари Интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга. Бугунги кунда давлат органининг расмий веб-сайти чекланмаган шахслар доирасида давлат ташкилоти фаолияти ҳақидаги маълумотларни тарқатишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Республика қонунчилигига мувофиқ веб-сайтлар электрон ОАВлар қаторига киритилган ва уларга давлат идоралари ахборот ресурслари мавқеи берилган.

Ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ўтган вақт мобайнида давлат идоралари веб-сайтлари зарур функционаллик даражаси ва барқарор иш фаолиятига эришди, уларнинг дизайни сезиларли даражада ўзгарди, мазмундорлиги ва оммабоплиги ошди, бу эса аҳолида давлат идоралари фаолияти ҳамда давлат бошқаруви самарадорлиги ҳақида яхлит ва холисона тасаввурни шакллантириш имконини берди.

Ўзбекистонда ахборот жамиятининг энг муҳим таркибий қисмидан бири сифатида электрон ҳукуматни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилади. Ҳукумат порталлари электрон ҳукуматнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва аҳолини, жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида хабардор қилишда, республика Ҳукумати, давлат идоралари фаолиятини ёритишда ҳамда интерфаол давлат хизматларини тақдим этишда муҳим роль ўйнайди. АКТни ривожлантириш ва давлат бошқарувига жорий этиш бўйича Ҳукумат дастурларини амалга ошириш доирасида 2003 йил сентябрь ойида www.gov.uz манзил бўйича Ҳукумат порталининг ҳаракатдаги веб-сайти ишлаб чиқилди ва Интернет тармоғида жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталининг Интернет тармоғида янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ҳукумат порталига Интернет тармоғидаги расмий давлат ахборот ресурси мақоми берилди. Бу билан Ҳукумат порталида жойлаштирилган ахборот ОАВда жойлаштирилган ахборотга тенглаштирилади.

Ҳукумат порталини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Янги Ҳукумат порталини янги платформада қўшимча модуллар (G2B ва G2C) билан ишга тушириш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ҳукумат порталининг янги версияси ишлаб чиқилди ва Интернет тармоғида жойлаштирилди.

Аҳолининг ахборот ресурсларга эҳтиёжи ўсиб бораётганлигини, уларга интерфаол давлат хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти тақдим этилаётганлигини, Ҳукумат портали фойдаланувчиларини Ҳукумат ва давлат идоралари фаолияти ҳақида кенг хабардор қилинишини ҳисобга олиб, 2011 йилда Интернет тармоғида Ҳукумат порталининг m.gov.uz мобил версияси ишга туширилди.

Электрон ҳукуматни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бу фуқароларнинг замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда тегишли давлат идораларига мурожаат қилиш ва сўров юбориш имкони мавжудлигидир. Ушбу мақсадда 2011 йилда синов тариқасида Ҳукумат порталида my.gov.uz манзили бўйича Фуқаронинг шахсий кабинети ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, давлат ахборот ресурсларини (ДАР) шакллантириш ва интерфаол давлат хизматларини (ИДХ) кўрсатиш мамлакатимизда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда республикада мазкур йўналишда фаол ва самарали иш олиб борилмоқда. Жумладан, доимий равишда меъёрий-ҳуқуқий база такомиллашмоқда, ахборот ресурслари сони кўпаймоқда, ИДХ сифати ва сони ошмоқда, давлат ресурслари ва тизимлари, базавий интерфаол давлат хизматлари реестрлари (www.reestr.uz) яратилган. Таъкидлаш жоизки, ДАР ҳисобини янада такомиллаштириш ва рўйхатини кенгайтириш ҳамда ИДХ кўрсатиш мақсадида 2012 йил 1 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳукумат қарорига мувофиқ, ДАР ва ИДХ рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги кунда киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ИДХ турлари сони 195, ДАР сони ҳам 195 тани ташкил этмоқда. Тасдиқланган ИДХ асосида давлат идоралари веб-сайтлари орқали фойдаланувчиларга 450 дан зиёд интерфаол давлат хизматлари турлари тақдим этилмоқда.

Фойдаланувчиларга интерфаол хизматларни кўрсатиш мисоли тариқасида Давлат солиқ қўмитаси (www.soliq.uz), Ташқи ишлар вазирлиги (www.mfa.uz), Давлат статистика қўмитаси (www.stat.uz), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (www.aci.uz) веб-сайтларидаги интерфаол хизматларини келтириш мумкин.

Шу билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш жараёнида қулайликлар яратиш, ягона фойдаланиш нуқтаси орқали бутун давлат хизматлари комплексини тақдим этиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида республикада Ягона ойна марказлари (ЯОМ)ни ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

2010 йил апрель ойида Тошкент шаҳри Сергели туманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда республикадаги биринчи ЯОМни очди. У орқали туманда яшовчи ҳар бир шахс турли идораларга сарсон бўлиб юрмасдан, ижтимоий таъминот, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик фаолияти, уй-жой коммунал хўжалиги, бандлик, ер-мулк муносабатларига доир масалаларни шу ерда ҳал этиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ЯОМда 14 та давлат хизматлари томонидан туман аҳолисига қарийб 50 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. ЯОМнинг жорий этилиши нафақат давлат хизматларидан кенг фойдаланиш, балки расмиятчиликни камайтириш ва аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

2011 йилда Наманган ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари қошида ЯОМларининг очилиши бўлди. Ҳукумат қарорига мувофиқ 2015 йилгача бундай ЯОМлар республиканинг барча туман ва вилоятларида фаолият юрита бошлайди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш ҳамда республикада қоғоз сарфини қисқартириш мақсадида изчил суръатлар билан компьютер ва АКТ, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерфаол хизматлар кўрсатиш тармоғи ривожланмоқда. Давлат идораларида компьютер техникаси билан жиҳозланганлик даражаси давлат қўмиталарида — 61,0 фоиз, вазирликларда — 81,0 фоиз, ҳокимликларда — 91,0 фоизни ташкил этмоқда.

Давлат органларида АКТдан фойдаланиш ва уларни жорий этиш бошқарув самарадорлигини ошириш билан бирга моддий маблағлардан оқилона фойдаланишга ҳам хизмат қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида республикада қоғозни тежаш ва оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича чоралар сифатида давлат идораларида компьютер техникасидан самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилишини такомиллаштириш ва АКТни янада татбиқ этиш каби масалалар киритилган.

Мазкур ҳукумат қарорининг давлат органларидаги ижросининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, компьютер техникаси ва АКТ имкониятларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ЭҲА, интерфаол хизматлар кўрсатиш, маҳаллий ва корпоратив алоқаларни ривожлантириш натижасида 2010-2011 йиллар давомида давлат идораларида қоғоз сарфи ҳажмини салмоқли равишда қисқартиришга эришилди.

Бу АКТнинг нафақат ахборот-коммуникация характерига эга, балки давлат бошқаруви ва моддий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги самарадорлигининг яна бир исботидир.

Шуни ҳисобга олиб ва АКТнинг мамлакат иқтисодиёти ва жамиятни ривожлантиришдаги етакчи ролидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишлар келгуси йилларда ҳам янада фаол ва кенг миқёсда давом эттирилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, айнан АКТ тизимидан кенг кўламли фойдаланишга ўтиш мамлакатда «электрон ҳукумат» шакллана бошланишининг асосий босқичидир. Қувонарли томони шундаки, жамиятимиздаги демократикислоҳотларнинг ҳосиласи сифатида майдонга келган «Адолат» социал-демократик партияси мазкур тамойилни вақтида илғаб олиб, уни ўзининг сайловолди дастурига киритди ва бу борада салмоқли амалий ишларни ҳам олиб бормоқда. «Партия... фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «электрон ҳукумат»ни жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни таклиф этади», дейилади «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида. Ҳаётнинг ўзи партия замон ва давр талабларига «лаббай» дея жавоб бераётганини кўрсатмоқда.

**Элбек ДОЛИМОВ,**
Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ахборот хизмати мутахассиси.



*Қишлоқ хўжалиги:*

# изчил ислоҳотлар самараси

**Депутат минбари**

Ўзбекистон ўтган йигирма йиллик қисқа давр мобайнида тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида юксак чўққиларни забт этиб келмоқда. Турли соҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда модернизациялаш жараёнлари улкан муваффақиятларимиз омили бўлаётир. Айниқса, кўплаб давлатларда ҳанузгача жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари тўлиқ бартараф этилмаган бир шароитда республикамиз иқтисодиётида ўтган йилги ўсиш суръатлари даражаси ялпи ички маҳсулотда 8,3, саноатда 6,3, қишлоқ хўжалигида 6,6 фоизга етганлиги қувонарлидир.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз аграр соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларини кўз олдингиздан ўтказинг: хусусан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг **биринчи босқичида** режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш — шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган бўлса, **иккинчи босқичида** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг халқаро андозаларига мос келадиган — ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборат модели танланди. **Учинчи босқичи** эса, ширкат хўжаликларини, биринчи навбатда, зарар кўриб ишлаган, паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш механизми жорий этилди.

Олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра мамлакатимизда 66134 фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга 5 миллион 295 минг гектардан ортиқ ер майдонлари ижарага берилган. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 80,1 гектаргача ер майдони тўғри келади. Қишлоқ хўжалик корхоналарини (асосан фермер хўжаликларини) моддий-техник таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини биргина 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра лизинг асосида 15,8 миллиард сўм миқдорида 1116 та турли маркадаги янги қишлоқ хўжалик техникалари, етарли даражада минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Юртимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорликка эришилаётгани, шу жумладан, пахта ва ғаллачилик каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби кундалик турмушдаги энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилди.

Ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж жаҳон бўйича тобора ортиб бормоқда ва аҳолини бу каби маҳсулотлар билан таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумотига кўра, айни пайтда дунёнинг 80 та мамлакатида 73 миллион киши озиқ-овқат танқислигини бошидан кечирмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётганини аниқ мисолларда таҳлил этдилар. Айниқса, охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суратлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқори эканлигини эътироф этишининг ўзи мамлакатимиз барқарор тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганлигини кўрсатади.

Бундай ўсиш суръатларида, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигининг улуши ҳам салмоқли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳар қандай соҳанинг юқори чўққига кўтарилиши унинг қанчалик ҳуқуқий мустаҳкамлилигига боғлиқ. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Уруғчилик тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида» ҳамда «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги каби (жами 17 та) Қонун ва қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, улар аграр соҳасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш учун мукаммал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришни шиддат билан ривожланаётган даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан қатор илмий-амалий Конференциялар ташкил этилиб келинаётганлиги ҳам эътиборга молик. Хусусан, «Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодиёт тармоқларини жадал янгилаш шароитларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш билан боғлиқ миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги тадбир шулар жумласидандир.

Мазкур илмий-амалий Конференцияда бугун замон шиддат билан ўзгараётгани, бутун дунёда экологик мувозанат ўзгариб, экологиянинг мусаффолигини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари долзарб вазифаларидан бири эканлиги чуқур таҳлил қилиниб, амалдаги ҳуқуқий асосларни замон талабларига мослаштириш борасида ўзаро фикрлар алмашилди.

Маълумки, муҳтарам Юртбошимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг борилиши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида вилоятларимизга тез-тез ташриф буюрадилар. Ана шундай ташрифлардан бири ўтган — 2011 йилнинг 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари, Наманган ва Андижон вилоятларига бўлди.

Юртбошимиз томонидан, **«фермерлар нафақат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожида ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши лозим»**лиги тўғрисида билдирган амалий таклифлари мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада жадаллаштириш, янада ривожлантириш учун муҳим кўрсатмадир.

Хусусан, туманлар миқёсида «Фермерлар Кенгаши» фаолиятининг йўлга қўйилиши, шубҳасиз, фермерлик ҳаракатини янада тараққий эттирибгина қолмай, юқори самарадорликка эришаётган фермер хўжаликлари иш тажрибасини оммалаштиради. Фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини ифодалашда, илғор илм-фан ютуқларини ҳамда инновацион ғоялар, технологиялар, замонавий агротехник тадбирларни амалиётга кенг жалб этишда ўзининг юксак самарасини беради. Шу билан бирга, соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиянинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Шунингдек, партия етакчи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида аграр сектор мутахассислари малакасини ошириш тизимини ривожлантириш лозимлигини илгари суради. Энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари ҳам партия диққат марказида бўлиши алоҳида белгиланган. Бундан англаш мумкинки, партия фаолияти, мақсад ва вазифалари мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.

**Алишер АКРАМОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

# Қаердаки билим бўлса, буюклик бўлур

Давоми. Боши 1-бетда

Ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри деб эътироф этилган бугунги кунда, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, "инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин".

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси, 9+3 схемаси бўйича янги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими ва унинг бугунги ижобий натижалари мутахассис ва олимларни, таълим соҳаси мутасаддиларини қизиқтириб келмоқда. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган, бу ҳолат иқтисоди ҳар жиҳатдан бақувват давлатларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказаётган бир пайтда, Ўзбекистонда таълим соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани чиндан ҳам ўрганишга арзирли тажрибадир.

Анжуман қатнашчилари мустақиллик йилларида тамомила янги қиёфа ва мазмунга эга бўлган пойтахтимиздаги бир қатор умумтаълим муассасаларида бўлиб, бу тажрибани ўз кўзлари билан кўришди, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун яратилган замонавий шарт-шароитлар билан бевосита танишишди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, миллий таълим тизимини ўрганган мутахассислар Ўзбекистонда бепул умумий таълим олиш қонуний кафолатлангани, ёшлар инновацион фаолиятга кенг жалб этилаётгани, уларнинг ихтирочилик ва рационализаторлик соҳасидаги лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани дунё миқёсида олганда ҳам эътибор ва эътирофга лойиқ эканлигини таъкидладилар. Анжуманда нутқ сўзлаган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади. "Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир, — деб таъкидлади у. — Президент Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда". Нотиқ, шунингдек, Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бораётганини ҳам расман эътироф этди.

Таълим-тарбия ҳамма замонларда ҳам жамиятни ривожлантиришнинг бирламчи шартларидан бири ҳисобланган. Бу шарт, айниқса, жамият янгиланаётган ёки бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётганида фавқулодда муҳим аҳамият асб этади. Буни, мана йигирма йилдирки, тақдирини ўз қўлига олиб, мустақил ривожланиш йўлини танлаб, буюк келажак сари дадил одимлаётган мамлакатимиз ҳаётида яққол кўриш мумкин.

Истиқлолимиз арафасидаёқ, ҳукмрон тузум ўз умрини яшаб бўлгани, бундан буён эски қонун-қоидалар, амалдаги мафкура талаблари, ижтимоий-иқтисодий масалаларга, айниқса, ишлаб чиқаришни юқоридан туриб режалаштиришга доир эскича ёндашувлар билан яшаб бўлмаслиги аён бўлиб қолган эди. Давлатимизнинг янги раҳбари Ислом Каримов ўзининг дастлабки чиқишларидаёқ (1989 йил, 24 июнь) ҳар бир киши мамлакат жиддий ўзгаришлар босқичида турганини ҳис этган ҳолда, ўзига топширилган ишга нисбатан муносабатини, раҳбарлик масъулиятини тубдан ўзгартирмаса, вазиятнинг издан чиқишидан манфаатдор кучлар бундан ғаразли мақсадларда фойдаланиб қолиши мумкинлигини таъкидлаб, "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", деб баралла айтган эди.

Вазият шундай кечдики, мустақилликнинг дастлабки қадамларидан бошлабоқ, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг, халқ хўжалигининг барча соҳалари билан изчил шуғулланишга, собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисодни қайта йўлга қўйиш, мамлакатда тинчлик-тотувликни таъминлаш, бошқарувнинг тамомила янги формаларини ҳаётга жорий қилиш, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, тобора мураккаблашаётган шароитда аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоя остига олиш каби бири иккинчисидан муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ечимини топишга тўғри келди.

Бу вазифалар ичида республикада кадрлар тайёрлаш ишини жиддий қайта қуриш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, энг аввало, уларнинг сиёсий етуклиги, ишчан ва ташкилотчилиги, профессионал малакаси ва масъулиятни зиммасига ола билишига асосий эътибор бериш алоҳида ажралиб турарди. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, "таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди".

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, истиқлол ғояларига тўла жавоб берадиган янги таълим-тарбия тизимини яратиш ғоят машаққатли иш бўлиб, бу иш жиддий тайёргарлик ҳамда катта сарф-харажатларни талаб қиларди. Шунга қарамай, бу муҳим иш Юртбошимиз раҳбарлигида изчиллик билан олиб борилди ва мамлакатимизда янгича таълим соҳасининг ҳуқуқий асоси яратилди — "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Ушбу дастур, "жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатларнинг тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечишга, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган" ҳужжат сифатида намоён бўлди.

Миллий дастурда кўзда тутилган устувор вазифалар тизимдаги мавжуд ижобий салоҳиятни сақлаб қолган ҳолда, меҳнат бозорининг ривожланиши ва жамиятдаги реал шароитларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқболларини ҳисобга олиб, уч босқичда амалга оширилди. Энг муҳими, қисқа вақт ичида педагог ва илмий-педагог кадрларнинг малакаси янги талаблар асосида оширилди, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, янги дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариш шакллари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли, бугунги кун талабларига жавоб берадиган илғор педагогик адабиётлар ҳамда технологиялар билан таъминланди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида юз берган ўзгаришлар ҳам эътиборга молик. Олий таълим бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимга ўтди, соҳада самарали халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, бир қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари бугун Ўзбекистонда самарали фаолият юритмоқдалар. Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар Академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти бўлмиш Кембриж университети билан ҳамкорликда жорий йилда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

Анжуман қатнашчилари мустақил ривожланишнинг аниқ стратегиясига эга бўлган мамлакатимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бундан буён ҳам дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиш, мамлакат аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш, эл-юртда тинчлик-тотувликни сақлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш йўлидан оғишмай олға боришига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Зеро, буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек, "Қаерда ўқув бўлса, улуғлик бўлур, қаерда билим бўлса, буюклик бўлур".

**М. АҲМЕДОВ.**

**Сиёсий ўқиш**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида партия Тошкент шаҳар, туман кенгашлари раислари, уларнинг фаоллари учун сиёсий ўқиш ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман Кенгаши раислари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

# Қонунлар ижроси

### кўп жиҳатдан уларнинг тарғибот-ташвиқоти, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларига ҳам боғлиқ




Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Пармpraнованинг таъкидлашича, партия шаҳар Кенгаши партия ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини электоратга, аҳолига тушунтиришда, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий билимини бойитиш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тиббий саводхонлигини оширишга ҳисса қўшишни ўзининг энг устувор вазифаларидан бири деб билади. Айни мақсадда аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб бориш, фуқароларнинг кўнглига йўл топишда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан ҳисобланган маҳаллалар билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис мазкур сиёсий ўқиш аввалида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши билан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон «Адолат» СДП ёшлар масалалари бўйича ҳам ўз сиёсатига эга. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, инновацион фикрлайдиган ёшларни излаб топиш ва уларнинг ғоялари, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги самарадорликни янада ошириш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ўртасида ҳам ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолангани муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур ташкилотлар билан яқин ижтимоий ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани келгусида аҳолининг барча қатламлари орасига, оилаларга кириб боришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўташи шубҳасиз.

Сиёсий ўқишда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги ўрни, истиқболдаги ривожланиш жараёнидаги аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди.

Бу галги сиёсий ўқишнинг асосий мавзуси «Глобаллашув шароитида маънавий, мафкуравий таҳдидларнинг жамият барқарорлигига таъсири» мавзуига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Саидхон Саидолимов бу борада сўз юритар экан, глобаллашув шароитида миллий қадриятларга путур етаётгани, ахборот, маданий-мафкуравий шаклдаги таҳдидлар тобора жиддий тус олаётгани, бу эса ўз навбатида мамлакатларнинг тинчлик-осойишталигига, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Нотиқ ўз маърузасида бундай таҳдидлардан ҳимояланиш, уларнинг олдини олиш йўллари ва чоралари, мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари Юртбошимизнинг бир қатор асарлари ва маърузаларида атрофлича тилга олинганини баён этди.

Бугунги кунда қабул қилинаётган янги қонунларнинг ижроси кўп жиҳатдан уларнинг тарғибот-ташвиқоти, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларига ҳам боғлиқ. Шу маънода, сиёсий ўқишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ойша Ахунованинг «Мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти» мавзуидаги маърузаси тинглангани бежиз эмас. Боиси, қонунларнинг самарали ижро этилиши йўлидаги тарғиботни кучайтириш учун аввало, тарғиботчиларнинг ўзи уларнинг мазмун-моҳиятини теран англамоғи зарур. Айниқса, партия туман Кенгашлари раислари ҳамда фаолларининг бу борадаги билимини бойитиш, сиёсий жараёнлардан, қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан хабардорлигини ошириш айни муддаодир. Депутат сиёсий ўқиш иштирокчиларининг ана шу эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган маъруза асосида ўз қарашларини ҳам билдириб ўтди.

«Партия тузилмаларида ижро назоратини ташкил этиш». Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мутахассиси Ислом Расуловнинг маърузаси ана шу мавзуда бўлди. Маърузачи партиянинг барча бўғинларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада назорат-таҳлил ишларини юритишни янада такомиллаштириш, ишни тўғри ташкил этиш масалалари хусусида сўз юритди.

Умуман олганда, сиёсий ўқишда партиянинг ҳар бир раҳбар кадри, фаоли аввало сиёсий жараёнлардан, ислоҳотлар тадрижийлигидан хабардор, янгиланишлар мазмун-моҳиятини теран англайдиган, узоқни кўра оладиган бўлмоғи давр талабига айланаётгани таъкидланди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент шаҳар
Кенгаши матбуот хизмати.

# Ғояларaро соғлом рақобат

## ЎзХДПни манманликка чорламаяптими?

**Партияларaро мунозара**

Мамлакатимизда сиёсий партияларга берилаётган эътибор ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг яратиб берилиши туфайли, кейинги йилларда уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ва айни пайтда муайян даражада тажрибалари ошди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари сиёсий кураш, соғлом рақобат амалиётини босқичма-босқич ўзлаштириш баробарида қонун ижодкорлиги бобидаги ўз фаолиятларини тобора жонлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг эса депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасидаги ўрни тобора ошиб бораяпти. Бу эса, сиёсий партияларнинг аҳоли ўртасида нуфузини кўтариш билан бирга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар ўртасида давом этаётган ғоявий курашлар, партияларaро мунозаралар соғлом рақобат асосига қурилиши кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Аммо сиёсий партияларнинг барча нашрлари ҳам конструктив рақобат тамойилига амал қилавермаяпти. Айрим ҳолларда рақобатчи партиянинг танқидий мулоҳазаларига нисбатан жиззакилик, ҳиссиёт билан жавоб қайтариш ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 16 февраль сонидаги "Қуруқ гапдан фойда йўқ" сарлавҳали мақола бунга мисол бўла олади.

Мақолада тилга олиб ўтилганидек, рақамлар "қайсар", улар алдамайди. Уларда иқтисодий натижалар акс этиши ҳам аниқ. Инчунин, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 107,9 фоизлик натижа 2011 йилда фарғоналиклар қўлга киритган муҳим ютуқ сифатида қайд этилмоқда. Зеро, шу биргина рақам остида 3 триллион 438 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, халқ истеъмолига тортиқ этилганлиги ўзини шу юрт, шу Ватан тақдирига дахлдор ҳис этувчи ҳар бир одамни қувонтиради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «2011-2015 йилларда Фарғона вилояти саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» ҳамда «2011 йил — Фарғона вилояти саноати йили» Дастури доирасида 50 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Шу муносабат билан вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг янги, харидоргир турлари яна 10 тага ортди. Бу эса, Фарғонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг тобора кўпайишига олиб келмоқда. Бундан фарғоналиклар ифтихор туйғусини туйишга ҳақли.

Ўз навбатида, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши муносабати билан дастурга киритилган корхоналар сони 9 тага кўпайди. Экспорт ҳажми салмоқли 115 фоизни ташкил этди.

Бироқ... Бугун ЎзХДПнинг Халқ депутатлари Фарғона вилояти маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари сони 236 нафарни ташкил этади. Жумладан, Бувайда, Бешариқ, Олтиариқ, Қува, Фурқат, Қўштепа ва Сўх туманлар Кенгашларида ҳам «ХДПчилар» шубҳасиз сон жиҳатдан устун. Мазкур туманлардан 2012 йил маҳаллийлаштириш дастурига улар томонидан бирор-бир лойиҳа бўйича таклифлар киритилмаган. Электорат манфаатини ўйлаб иш тутишда «ХДПчилар» қандай йўл тутаётганлиги бизга номаълум... Башарти, ЎзХДПнинг мақсадларидан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш экан, мазкур партиянинг бу қатламни муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш борасидаги таклифлардан йироқлашиб, ҳайбаракаллачилик йўлини тутаётганлиги ажабланарли.

Вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси самарали таъминланди. Бу борада 600 тадан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Шунингдек, 3339 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Лекин шу даврда Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларида мингдан ортиқ иш ўринлари бой берилгани туфайли ўз ишидан айрилган фуқароларнинг тақдири ЎзХДПнинг маҳаллий Кенгашларидаги кўп сонли депутатларини қизиқтирдимикан? Кеча "урхо-ур" билан, эртасини ўйламасдан, мукаммал бизнес лойиҳа тузмасдан, қанчадан-қанча маблағлар сарфланиб бунёд этилган, бугун эса, ҳаёт синовларига дош беролмасдан иқтисодий «синган» бундай субъектларда ишлаб келганларнинг аҳволи-чи?

Айтгандай, "Қуруқ гапдан фойда йўқ" сарлавҳали мақоладаги «Адолат» СДП фаолияти ҳақида бирёқлама фикрларга ҳам қўшилиб бўлмайди: «Биргина Қўштепа туманини ҳисобга олмаса», деб бошланган жумлангизнинг ўзи кейинги пайтларда анчайин хонанишин бўлиб қолганлигингиздан дарак бериб турибди. Негаки, Қўштепа тумани партия кенгаши «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашининг энг кичик нуқтаси, деб айтсам муболаға бўлмайди. Бироқ партиямизнинг вилоятдаги олдинги сафларида Фарғона аҳолиси орасида амалий ишлари билан танилган юзлаб фан номзодлари, докторлари, профессорлар, давлат ва жамоат арбоблари бор. Уларнинг номларини узоқ келтириш мумкин. Бугун вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида бу фидойи инсонларнинг муносиб ўрни бор.

Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол келтирай, агар шундай қилмасак сизнинг «*...бу партиядан сайланган депутатлар шаҳар, туман ва вилоят халқ депутатлари кенгашлари сессияларига бирорта ҳам масалани таклиф қила олмаган. ...Бу партия кенгашлари, масала кўтариб ташаббус кўрсатмаса-да, лоақал мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурлар ижросига оид муносабат билдирмагани кишини ажаблантиради*», деб ёзганларингиз иззат нафси баланд, фидойи партиядошларимизнинг кўнглида оғриқ бўлиб қолади.

Мана шундай мисоллардан бири: «Адолат» СДП аъзоси, Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Ш.Султоновнинг биргина ўзи вилоят кенгашининг 2011 йилнинг 31 март ва 27 июнь саналарида ҳамда сўнгги декабрь ойида бўлиб ўтган 13-сессияларида сўзга чиққан. Вилоят Кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги сессиясида унинг «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини янада ошириш, ўқитувчи ва муҳандис педагог-ходимлар сифат таркибини мақбуллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш, ўқувчилар давоматини яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кафолатланган иш ўринлари билан таъминлаш борасидаги олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш» сингари мақсадларни кенг кўламда қамраб олган таклифига кўра, 2011 йил 9 мартда вилоят ҳокимлиги томонидан «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамоатчилик вилоят Кенгаши», шаҳар ва туманларда ҳудудий кенгашлар тузилган.

Ш.Султонов жамоатчилик Кенгаши раиси сифатида Кенгаш ишини ташкил этиш билан бир қаторда Кенгаш томонидан туманларда ўтказилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этди. Касб-ҳунар коллежлари фаолиятида заиф бўлиб қолаётган вазифаларни бажарилишига вилоятдаги жамоатчиликни жалб этишда жонбозлик кўрсатди. Улар ўтказган мониторинглар давомида фарзанд тарбиясига бефарқ ота-оналар, сабабсиз дарс қолдирувчи ўқувчиларнинг оила шароитлари, шу билан бирга, вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежларининг фаолиятлари ўрганилди. Натижада вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежлари фаолияти юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Унинг таклифи билан вилоят ҳокимлигининг 2011 йил 10 июнда бўлиб ўтган раҳбарлар, фаоллар ҳамда ота-оналар иштирокидаги мажлис ташкил этилиб, мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш масаласи кўриб чиқилди ва бу борада юқори натижага эришилди.

Буларгина эмас. Депутат қабулига келиб тушган мурожаатлар юзасидан Қиргули маҳалласида яшовчи фуқароларнинг шахсий томорқаларини суғоришдаги муаммоли масала вилоят сув хўжалиги мутасаддилари орқали ижобий ҳал этилди. Марғилон шаҳар «Ипакчи» МФЙ, Боғчасарой кўчасидаги умумий фойдаланиш майдонларини таъмирлаш ишлари шу жойда истиқомат қилувчи аҳолининг талабига кўра, депутатимизнинг аралашуви билан Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилди. Ш.Султоновнинг 2011 йил 6 апрелда Фарғона шаҳар электр тармоқлари таъминоти корхонасига юборган депутатлик сўровномасига кўра электр энергияси чеклов жадвалига фуқаролар талабига мос ўзгартиришлар киритилди. Бу вилоятдаги биргина депутатимизнинг партия дастурий мақсад-вазифаларидан, электорат манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошираётган ишларидан нишона холос. Бундай мисолларни юзлаб келтиришимиз мумкин.

Албатта, бу билан «адолатчилар» зўр демоқчи эмасмиз, ўз навбатида, ЎзХДП вакилларини ва унинг фаолларини ташаббускорлик борасида камситиш фикридан ҳам йироқмиз. Албатта, иш бор жойда камчилик бўлади. Шу нуқтаи назардан «Адолат» СДП фаолиятида ҳам ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Муҳими, биз кўтарган масала, таклиф ва ташаббус соғлом рақобатга хизмат қилсин.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ.**



# Эзгуликка йўғрилган мерос

**Маънавият**

Шеърият мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг мунаввар сиймоси, асрлар оша бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук номи, бой ва серқирра маънавий мероси неча юз йиллардирки, инсониятни эзгуликка, ўзро ҳамжиҳатликка, меҳр-мурувватга, илму урфонга даъват этади.

Навоий даҳоси, бебаҳо асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, бағрикенглик ғоялари замонлар ўтса-да, маъно-моҳияти, қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Аксинча, бу улуғ мерос бугунги мураккаб дунёда одамларга ҳидоят, адолат йўлини кўрсатиб турувчи маънавий машъала янглиғ хизмат қилмоқда. Навоийни ўқиш, англаш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни мутафаккир бобокалонимиз улуғлаган умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар биримиз учун шарафли вазифага айланди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг бевосита кўрсатмаси билан Алишер Навоий ижодини кенг кўламда, илмий холислик тамойиллари асосида ўрганиш ва тадқиқ этиш, асарларини чоп этиш янги сифат босқичига кўтарилди. Бу муҳтарам зот асарларининг маънавий-фалсафий асосларини чуқур очиб бериш, шоирнинг бемисл шеърий маҳоратидан, юксак сўз санъатидан халқимизни, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш навоийшунос олимларимизнинг муҳим бурчига айланди. Бундан ўн бир йил муқаддам Навоий шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида муҳтарам Президентимиз шундай деган эди: "Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз. Агар бу зотни авлиё десак — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир".

Ўтган йилнинг кузида пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган "Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуманда мустақиллик йиллари навоийшунослигида эришилган улкан ютуқлар, янги муҳим тадқиқотлар эътироф этилгани ҳолда, бу тенгсиз мероснинг аҳамиятини янада теран идрок этиш ва тарғиб қилиш борасида халқаро миқёсда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, янги тадқиқот йўналишлари хусусида фикрлашиб олингани айни муддао бўлди. Шу анжуманда иштирок этган озарбойжонлик олима Нушоба Орасли хонимнинг қуйидаги сўзларидан беадоқ фахр туйдим: "Навоийни ўрганиб, ўқиб, уқиб ҳеч ким кам бўлмайди. Ул зоти комилнинг ижоди ҳамиша халқ саодати учун хизмат қилган. Туркий тилнинг нақадар гўзаллигини ўз бадиий асарлари билан оламга кўз-кўз айлаган. Бугунги анжуманда йиғилган Навоийнинг ихлосмандларини кўриб қувончдан юрагим ҳаприқди. Маҳобатли ҳайкал пойига гул қўйиб, зиёрат учун борган палладаги ҳаяжонларимни тасвирлаш қийин. Ҳозир ҳам юрагимнинг титроғи босилгани йўқ".

Ўтган йили маънавий ҳаётимизда яна бир қутлуғ воқеа юз берди, деб айта оламиз. Навоийшунос олимлар, тажрибали ноширларнинг саъй-ҳаракати билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида ҳазрат Навоий асарларининг янги ўн жилдлиги тўлдирилган ҳолда замонавий полиграфик ижрода чоп этилди. Бу буюк хазина билан ҳар қанча фахрлансак, дунёга кўз-кўз қилсак арзийди. Ноширларимизнинг бу ажойиб туҳфаси ёшимиздан, касб-коримиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг шахсий кутубхонамизда, иш столимизда миллий ифтихор рамзи сифатида турса ва улардаги буюк ҳикматлардан ҳар куни баҳраманд бўлсак қанийди. Ўн жилдлик асарлар лотин алифбосида ҳам чоп этилса, улардан касб-ҳунар коллежлари талабалари, академик лицей ҳамда умумий ўрта мактабларнинг ўқувчилари баҳраманд бўлар эдилар.

**Рашидхон ШУКУРОВ,**
Қўқон давлат педагогика институти доценти.

# Ўзбек кураши: ҳалоллик ва адолат тимсоли

Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, спорт соғлом турмуш тарзини амалиётга жорий этиш билан бир қаторда Ватанимиз шон-шуҳратини халқаро миқёсда янада оширишнинг, Ўзбекистонимизни дунёга танитишнинг воситаларидан биридир.



Спорт нафақат жисмоний беллашув, балки ғурур ва ор-номус учун кураш майдони ҳамдир. Ушбу курашда ғолиб ҳам бор, мағлуб ҳам. Муҳими ғолибликка ишонишингда, юрагингдаги Ватанга муҳаббатни зафар қўшиқлари билан шарафлашингда.

Халқимиз азалдан афсонавий полвонлари билан фахрланади. Истиқлол туфайли эса, жаҳонга миллий спорт турларимизни таништириш имконияти туғилди.

Агарда Япония миллионлаб спорт ишқибозлари тасаввурида дзюдо, каратэ, сумо, Хитой — ушу ва кунг-фу, Корея — таэквондо ва сирим, Англия — футбол, Канада — шайбали хоккей, АҚШ — бейсбол, баскетбол ватани ҳисобланса, энди Ўзбекистон дунёда кураш юрти сифатида тилга олинмоқда.

### ОР-НОМУС, ҒУРУР ВА ШАЪН МАЙДОНИ

Ўзбек халқининг анъанавий спорт турларидан бўлмиш кураш уч ярим минг йиллик тарихга эга. Кураш ўзбекча сўз бўлиб, у қатор қадимий шарқ адабий манбаларида яккама-якка олишув ва кўнгилочар спорт тури сифатида тилга олинган. Курашда енгилган акасининг ориga укаси даврага чиқаверади. "Унинг ёши мендан катта ё вазни оғир-ку", деб ўйлаб ўтирмайди. Муҳими, ор-номусни, ғурурни сақлаш. Буни биров ўйлаб топгани ҳам, жорий қилгани ҳам йўқ. Биз ана шундай илдизлари мустаҳкам томирларга эга халқмиз. Ватан туйғуси мурғак тасаввурларда, биринчи навбатда, оила шаъни тимсолида шаклланган. Зеро, ўз оиласи орини ҳимоя қилган одамгина Ватан шаънини асрай олади.

Бундан минг йил муқаддам пайдо бўлган афсонавий Алпомиш эпосида кураш олис ўтмишда юртимиз заминида оммавий тус олган энг севимли спорт тури бўлгани қайд этилган.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Абу Али Ибн Сино кураш билан шуғулланмоқ жон ва тан соғлигини таъминлашнинг энг яхши воситасидир, дея эътироф этган.

### ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Археологик илмий кузатувлар, қидирувлар натижасида топилган кўплаб ашёвий далилларга кўра ўзбек курашининг ёши 2,5-3 мингдан ошгани исботланмоқда. Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимги аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, осори атиқалар, қояларда акс этган тасвирий санъат намуналари ҳам миллий курашимизнинг узоқ тарихидан шоҳидлик беради.

Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон) ҳудудидан топилган цилиндр шаклидаги сопол идишнинг бир парчасида икки курашчи ва уларнинг бир-бирларининг оёқларидан чалаётгани тасвирланган. Яна бир идиш гардишидаги ҳайкалчаларда ҳам полвонларнинг қўлларини кўтариб, курашга шайланаётган ҳолати ўз ифодасини топган. Бу идишлар бронза даврига оид бўлиб, у ўзбек курашининг камида 3,5 минг ёшда эканлиги борасида фараз уйғотади.

Яна бир топилма эса, бронза даврига оид иккита от тақасидир. Ўзбек кураши усуллари тасвирланган иккала тақа сак-скиф қабилалари анъаналари асосида ишланган бўлиб, кўчманчилик даврининг дастлабки босқичларига оиддир. Милодий биринчи минг йилликнинг ўрталарига тааллуқли кумуш чўмич гардиши сиртида ҳам икки полвоннинг олишаётган ҳолати тасвирланган.

IX асрда кураш ривожи янги босқичга кўтарилди. Ўша кезларда мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли анъанавий байрамлар, тўй-ҳашамлар ва йирик жамоатчилик тадбирларида курашдан кўнгил очиш ва дам олиш воситаси сифатида фойдаланганлар. Кейинроқ кураш мустақил спорт тури ва жисмоний чиниқиш усулига айланди. Энг кучли курашчилар халқ орасида маълуму машҳур бўлиб, улар ҳақида афсоналар тўқила бошланди. XII асрда яшаб ўтган Паҳлавон Маҳмуд бунинг яққол намунасидир.

XIV асрда инсоният тарихида ёрқин из қолдирган тенги йўқ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ўз аскарларини чиниқтириш ва жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида курашдан фойдаланган. Маълумки, Амир Темур армияси замонасининг энг қудратли ва енгилмас қўшини ҳисобланган.

Вақт ўтиши билан кураш Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг энг севимли ва ардоқли анъаналаридан бирига айланди. Шу маънода кураш ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Бу спорт турига бўлган муҳаббат оталардан болаларга мерос сифатида ўтиб келади. Ушбу спорт ишқибозлари ва ҳаваскорларининг сони эса беҳисоб.

### ФИДОЙИЛИК ФАЛСАФАСИ

1980 йилларнинг бошида машҳур ўзбек кураши устаси Комил Юсупов ўзбек курашининг бой меросини тадқиқ этиш ишларини бошлаб юборди. Ушбу спорт тури қайта тикланишининг фаолларидан бири бўлган Комил аканинг асосий мақсади курашнинг халқаро меъёрларга мос бўлган янгича қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларига келиб бу вазифа муваффақиятли адо этилди. Энди ўзбек курашини халқаро аренага олиб чиқиш вазифаси турарди. Аввалига муаллиф ўзи ишлаб чиққан кураш қоидаларини жамоатчилик, мутахассислар, ишқибозлар ва халқимиз эътиборига ҳавола этди. 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиши курашга янгича ҳаёт бахш этди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Республика ҳукумати ўзбек халқининг тоталитар тузум даврида оёқ-ости қилинган миллий қадриятлари ва анъаналарини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Миллий спорт тури ҳисобланмиш курашни қайта тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Кураш жонкуярлари ўзбек курашини халқаро миқёсда ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордилар. Улар томонидан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида уюштирилган қатор йирик мусобақалар муваффақияти кўпчиликни ҳайратга солди.

Янги қоидалар ўзбек курашининг энг ардоқли анъаналарини Ўзбекистон байроғидан жило олган кураш яктаклари, ҳакамлик мусобақаларини ўтказиш жойи ва беллашувнинг давом этиш муддати каби халқаро спорт меъёрларини ўзида мужассам этди. Дунё спорт жамоатчилиги К.Юсупов томонидан ишлаб чиқилган кураш қоидалари тўлалигича халқаро спорт талабларига жавоб беришини эътироф этдилар.

Кураш қоидаларининг асосий афзалликларидан бири шундаки, улар ётган ҳолда беллашувни давом эттирилишига йўл қўймайди. Спортчилардан бирининг тиззаси гиламга тегиши биланоқ ҳакам беллашувни тўхтатади ва курашчилар турган ҳолда мусобақани давом эттиришади. Бу ҳол курашнинг тез суръатларда олиб борилиши ҳамда мухлислар учун қизиқарли ва мароқли бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, кураш қоидалари белбоғдан пастки қисмни ушловчи ёки оғриқ берувчи ва бўғувчи услубларни ишлатишни тақиқлайди. Шу тариқа кураш спортчиларга тан жароҳати етказилишининг олди олинган энг хавфсиз спорт турларидан бирига айланди.

Кураш фаолларининг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон билан чегараланиб қолмади. Улар 1992 йилдан бошлаб Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Монако ва Россияда ўтказилган қатор нуфузли спорт анжуманларида ўзбек курашини танитишга қаратилган тадбирларга бош-қош бўлдилар.

1998 йилнинг 6 сентябрида Европа, Осиё ва Америка қитъасининг 28 мамлакати вакиллари Халқаро Кураш Ассоциациясига (IKA) асос солдилар. У халқаро миқёсда ўзбек курашини намоён этувчи расмий халқаро спорт ташкилотга айланди. Дастлабки таъсис конгресси давомида янги халқаро спорт ташкилотининг низоми тасдиқланди. Курашнинг халқаро қоидалари қабул қилинди ҳамда IKA-нинг бошқаруви органи — Ижроия қўмитаси сайланди. Курашни халқаро миқёсда ривожлантириш ғоясининг ташаббускори ва раҳнамоси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бир овоздан IKAнинг Фахрий Президенти лавозимига сайланди. Кураш халқаро қоидалари муаллифи Комил Юсупов эса IKA Президенти этиб сайланди.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро "Кураш" Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий спортимиз кураш ривожини янги босқичга кўтарди. 1999 йилда Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида Европа, Осиё, Африка, шимолий ва жанубий Америка қитъаларининг 48 мамлакати вакиллари иштирок этди.

Янги спорт тури бўйича биринчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатида шунча давлат вакилларининг иштирок этиши спорт оламида катта воқеа бўлди. Чемпионатнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари, IKA фахрий Президенти Ислом Каримов ўзбек кураши халқимиз табиатига хос бўлган мардлик, жасурлик, ўз рақибига бўлган меҳр-оқибат, адолат, ҳаққонийлик ва инсонпарварлик каби хислатларни ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

### "ОЛИМП ЧЎҚҚИСИ ЗАБТ ЭТИЛАДИ!"

Қадимий анъаналаримизни эъзозлаш, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этишнинг муҳим омили сифатида ўзбек кураши тобора равнақ топмоқда. Ўзбек кураши ўзининг адолатли тартиб-қоидалари, чиройли усуллари билан жаҳон халқларининг, спорт ишқибозларининг ҳурматига сазовор бўлишга улгурди.

"Кураш", "яктак", "таъзим", "тўхта", "ёнбош", "чала", "дакки", "ҳалол" каби ўзбекча сўзларнинг турли миллатга мансуб ҳакамлар тилидан янграши кўксимизни тоғдай кўтаради. Миллий курашимиз усулларини моҳирона қўллаб, бел олишаётган хорижлик полвонларни кўрганимизда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Буларнинг барчаси ўзбек кураши умуминсоний қадрият сифатида Олимпия ўйинлари сафидан муносиб ўрин олишга ҳақли эканлигининг тасдиғидир. Шу боис Осиё олимпия кенгаши ўзбек курашини 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ёпиқ иншоотларда ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича ўтказиладиган IV Осиё ўйинлари дастурига киритди.

Авваллари алоҳида ўтказилган бу икки нуфузли спорт ўйинининг қўшилгани боис, Осиё олимпия кенгаши томонидан ундан ўрин оладиган спорт турлари сони қисқартирилди. Узоқ муҳокамалардан сўнг, ушбу нуфузли мусобақа дастурига киришга номзод ўттиздан ортиқ спорт туридан фақат тўққизтаси саралаб олинди. Бунда ушбу спорт турларининг оммавийлиги, дунё миқёсида жадал ривожланаётгани ва Олимпия ўйинларига кириш истиқболи эътиборга олинган.

Қувонарлиси, улар сафидан ўзбек кураши ҳам жой олди. Энди 2013 йилги IV Осиё ўйинларида иштирок этадиган қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари миллий спортимиз кураш бўйича беллашади.

Юртимизнинг тобора тараққий этаётган спортидаги бу тарихий воқеа ўзбек кураши яқин келажакда Олимпия ўйинлари дастурига киритилиши сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Бу эса курашнинг асл ватани — Ўзбекистонимиз жаҳон спорт ареналарида ўзига хос, ўзига мос нуфуз ва обрўга эга эканлигининг яққол ифодасидир.

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.**

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САЙФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89.*
**Навбатчи муҳаррир** — Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
**adolat_gazeta@mail.ru**

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10507.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 21.30
1 2 3 5

# Кўза синган кун

**Қонун барчага баробар**

Халқимизда "кўза кунда эмас, кунида синади" деган яхши бир нақл бор. Дарҳақиқат шундай. Избоскан туман Давлат солиқ инспекцияси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги рейд тадбири давомида 1971 йилда туғилган, Избоскан туманида яшовчи фуқаро Асилбек Бўстонов шу туманнинг Бештерак маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Зилола" номли ёрдамчи хўжалигида ўзига тегишли қўлбола мойжувоз ускуна ёрдамида сифатсиз пахта ёғини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Хусусан, мазкур "цех" кўздан кечирилганида, ёғ ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган мойжувоз ускунаси, 8 дона елим ва темир флягаларда 190 литр пахта ёғи, 5 кг. пахта ва чигит қолдиғи, 1 кг. кимёвий кукун, 3 та селлофан халтада мойжувоз дастгоҳидан олинган чигит ва кунжара маҳсулоти далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилиб, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга барча ташкилий ҳамда ҳуқуқий шароитлар яратиб берилаётганига қарамай, айрим сохта тадбиркорларнинг қонун талабларидан чекинган ҳолда фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлари ачинарлидир. Агар сиз ана шундай яширин цехлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз ҳеч иккиланмай жойлардаги давлат солиқ идораларига мурожаат этишингизни сўраймиз. Бу билан Сиз, ўз фуқаролик бурчингизни бажариш билан бирга ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

**Шоҳрухбек ЭГАМНАЗАРОВ,**
Андижон вилоят ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси.